

ТДШИ мустақил тадқиқотчиси,
Акбарова Камола
+99891 1350037

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ШАКЛЛАНИШИНГ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада минтақавий иқтисодий интеграциянинг шаклланиш тенденциялари ва унинг назарий асослари ва аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга, иқтисодий интеграциянинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг мезонлари аниқланган. Минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланишидаги баъзи бир зиддиятлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: минтақавий иқтисодий интеграция, глобаллашув, эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи.

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические основы, значение и тенденции формирования региональной экономической интеграции. А также, были выявлены особенности и критерии экономической интеграции. Были анализированы некоторые противоречия в развитии региональных экономических интеграционных процессов.

Ключевые слова: региональная экономическая интеграция, глобализация, свободная торговая зона, таможенный союз.

Abstract

The article considers theoretical framework, importance and tendencies of the formation of regional economic integration. As well, features and criteria of economic integration were revealed. Some contradictions in the development of regional economic integration processes were analyzed.

Key words: regional economic integration, globalization, free trade area, customs union.

Минтақавий иқтисодий интеграция категорияси “глобаллашув” ва “байналмиллашув” сўзлари билан чамбарчас боғланган. Мазкур категорияларнинг барчаси мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, савдо ва маданий соҳалардаги алоқаларининг ривожланишини англаради.

Ҳозирги кунда интеграциялашувга нисбатан халқаро ва миллий даражадаги тадқиқотчиларнинг ягона ёндашуви мавжуд эмас. XX асрнинг сўнгги чорагида информацион технологияларнинг ривожланиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви натижасида глобаллашув жараёнлари интеграциянинг янги босқичини бошлаб берди.

Профессор С.З.Нуритдинов таъкидлагандиек, “иқтисодий глобаллашув – жаҳон хўжалигининг ягона товалар, хизматлар, капитал ишчи кучи ва билимлар бозорига ўзгаришини англатади”¹.

Глобаллашув жараёнлари XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг илмий-техник тараққиёт, давлатларнинг очиқ иқтисодиётга ўтиши, жаҳон иқтисодиётида институционал ўзгаришларнинг юз бериши билан ривожланди.

Шу давр оралиғида минтақавий интеграциянинг ilk қўринишлари Фарбий Европа ҳудудида Кўмир ва пўлат Иттифоқининг шаклланиши билан ўз аксини топди. 1960-70 йилларда ушбу жараёнларнинг бошқа минтақаларда ҳам ривожланиши юз берди. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида жойлашган мамлакатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий бирлашмалари буларга мисол бўлади. Шу билан бирга, 1980-90 йилларда ташкил топган Шимолий Америка эркин савдо Ассоциацияси (НАФТА), Мустақил давлат ҳамдўстлиги (МДҲ) кабилар бунга мисол бўлиши мумкин.

Аслида интеграцион жараёнлар, бир томондан мамлакатларнинг ташаббуслари замирида бўлган бўлса, иккинчи томондан ушбу жараёнлар иқтисодиётнинг замонавийлашуви натижасида табиий шарт-шароитлар орқали юзага келди.

Бу борада Маҳбуб ул-Ҳақ қуидаги фикрни билдириб ўтиб, “Глобаллашув бу танлов эмас, балки – бу факт. Ривожланаётган мамлакатлар бунга ёки онгли равишда киришада ёки бўлмаса унга гарк бўлиб қўринмай кетади” деган хulosани билдиради².

Н.П.Антипов фикрига кўра “глобаллашув тор доирада олиб қаралганда, истеъмол товарларининг ўзаро яқинлашуви ва уларнинг универсаллашуви бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар ўзгариши натижасида бутун дунёга товарларни таклиф этишни англатади”³.

В.А.Медведев “глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ҳалқаро муносабатларда ўзаро боғлиқлик ҳамда ўзаро таъсирнинг жадаллашувни билдиради”, деган ғояни илгари суради⁴.

Бизнингча, глобаллашув жараёнлари дастлаб минтақавий интеграциянинг ривожланиши билан боғлиқдир. Сабаби, давлатлар қўшни иқтисодиётлар билан иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни шакллантириши бирмунча юқори аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, минтақавий интеграциянинг ривожланишига зарурият туғдиради. Унинг бир жиҳати истеъмол товарларига бўлган талабнинг

¹ Нуритдинов С.З., Шермухamedова Ш.А. Глобализация – главный фактор развития современной мировой экономики//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №3, май-июнь, 2015.

² Арыстанбекова А. Глобализация. Объективная логика и новые вызовы // Междунар. жизнь. - 2004. - N 4-5. - С.54-65.

³ Антипов Н.П. Экономическая интеграция в мировой экономике и транснациональные корпорации / Антипов Н.П., Королев А.Е. // Междунар. публичное и частное право. - 2001. - N 2. - С.32-34.

⁴ Медведев В.А. Глобализация экономики: тенденции и противоречия. // Мировая экономика и международные отношения. – 2014 - №2. – с. 3-10.

миллий даражада ошиши бўлса, иккинчи жиҳати маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига таклиф этиб олиб чиқилиши билан белгиланади.

Ўз навбатида, маҳаллий товарларнинг эркин савдо ҳудудлари орқали бошқа мамлакатларга етказиб беришнинг афзалликлари иқтисодий таълимотлар тарихидан ҳам маълум.

Умуман олганда, минтақавий интеграциянинг юзага келишига шароит яратувчи ҳамда унинг шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар мавжуд.

– минтақавий интеграция ҳар бир иштирокчи учун фойдали бўлиб, бир мамлакатнинг ўзи эриша олмайдиган жиҳатларни бартараф этиш бўйича устуворликларга эга бўлиши;

– минтақавий бирлашмалар ўз географияси доирасида жаҳонда ажраб туриши. Маҳсулотлар, хизматлар ва инсонларнинг интеграцион гуруҳ ичидаги ҳаракати эркинлашувини кўзда тутади;

– минтақавий интеграция – онгли ва ихтиёрий жараён. Ҳукуматларнинг иштироксиз давлатларнинг ўзаро алоқаларининг кучайиши интеграцияни англатмайди. Масалан, жадал ташқи савдо, молиявий гурухлар ва ТМКлар;

– аъзо мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатини қамраб олиши. Масалан, ЕИ мамлакатларида рақобатнинг умумий қоидалари, давлат бюджет сиёсатининг умумий принциплари кабиларни кўриш мумкин;

– минтақавий интеграция жамиятнинг кўплаб соҳаларини қамраб олиши. Иқтисодиёт, сиёsat, фан-техника, меҳнат тақсимоти, экология ва таълим кабиларни келтириш мумкин.

– минтақавий интеграция умумий муассасалар ва меъёрларга эга бўлиши. Умумий хусусиятга эга бўлган органлар аъзо-мамлакатларнинг ҳукуматлариаро ўзаро келишув асосида фаолият олиб боради.

– минтақавий интеграциянинг ўз иштирокчилари келажак тақдирларининг умумийлиги. Ушбу ҳолат умумий тарих ва маданиятнинг ўзаро қўшничилик муносабатлари доирасида шаклланганлигини англатади.

Ю.В.Шишков мamlакатларлар иқтисодиётининг қўшилишини ўзида акс эттирувчи ҳолатни интеграция деб атайдиз.



1-расм. Жаҳон иқтисодиёти конфигурацияси ва кўпўлчовли халқаро интеграция модели⁶

Умуман олганда, фикримизча, минтақавий интеграция қўшни мамлакатларнинг ўзаро савдо-иктисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда

⁵ Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века. Почему не интегрируются страны СНГ. — Москва, НП «III тысячелетие», 2001. — 479 с.

⁶ Воронина Т.В. Международная экономическая интеграция:императивы, противоречия, тенденция развития: автореферат дисс. ... д.э.н. – Ростов-на-Дону-2013. – С. 59.

ягона муассасаларни ташкил этган ҳолда ҳукуматлараро келишувга асосан фаолият олиб борадиган жараённи ўзида акс эттиради.

Шу боисдан, интеграцион жараёнларни бир неча миқёсларга ажратиш мумкин, улар:

- халқаро даражада – жаҳон хўжалиги, алоҳида давлатларнинг интеграцион шаклда гурухланиши;
- макродараражада – мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари доирасида;

Ю.В.Шишков “хусусий интеграция”га эътибор қаратади ва интеграцияни бозор механизмларига асослашини ёқлади.

Қайд этиш лозим, интеграцион жараёнлар иқтисоднинг минтақавийлигини ривожланишига ҳамда савдо учун барқарор шароит вужудга келтиради. Шу боисдан, аъзо-мамлакатлар ўртасида интеграцион бирлашмани бошқариш учун худудий гурухлашиб юзага келади.

Ўз навбатида, глобализацияни ривожланиши учун минтақавий иқтисодий интеграция товарларнинг, хизматларнинг, ишчи кучи ва капиталнинг эркин ҳаракат қилишига шарт-шароит яратади. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро алоқадорлик ва таъсирилилк асосида муносабатлар юзага келишини англатади. Иккинчи томондан, аъзо-мамлакатлар учун имтиёзли иқтисодиёт ва эркин савдо режимлари пайдо бўлишига имкон беради.

Шу билан бирга, минтақавий иқтисодий интеграциянинг вужудга келишига зарурият туғдирувчи бир қанча омилларни таъкидлаб ўтиш мумкнин. К.Якобайт минтақавий иқтисодий интеграциянинг шаклланишининг уч хил кўринишда тавсифлайдиз⁷.

Биринчиси – давлатларнинг умумий манфаатлари, бундай интеграция жараёни мамлакатларнинг географик, ижтимоий-маданий фаолиятнинг яқинлиги, ягона иқтисодиётнинг мавжудлиги орқали юзага келади.

Иккинчиси – фоявий бирлашиш, хусусан конститутцион тарзда бирлашишни англатади.

Учинчиси – танловнинг муқобил эканлиги ҳамда интеграцияга аъзоликдан юзага келадиган иқтисодий манфаатдорликнинг юзага келиши гурухлашувни кучайтиради.

Д.Ш. Мухамеджанова минтақавий иқтисодий интеграция моделларини икки шаклга ажратган ҳолда қайд этиб ўтади, улар⁸:

- расмий минтақавий иқтисодий интеграция модели;
- норасмий минтақавий иқтисодий интеграция модели.

ХХ асрнинг сўнгги йилларида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдода ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги

⁷ Якобайт К. Теория интегральной интеграции//Региональная интеграция в Центральной Азии: сборник статей. – Берлин: Германский Фонд международного развития, 1995. – С. 1-22.

⁸ Мухамеджанова Д.Ш. Мировые интеграционные объединения и Казахстан: сотрудничество в условиях регионализации: монография. – Алматы: КИСИ при Президента РК, 2013. – 348 с.

минтақавий иқтисодий гурухланишларнинг шаклланиши янада яққол кўзга ташландии⁹.

Жаҳон хўжалиги миқёсида интеграцион фаолиятни амалга ошиши XXI асрда жадал ривожланаётган жараёнлардан бири ҳисобланади. Хусусан, 2006 йилда асос солинган БРИКС (Brazil, Russia, India, China, South Africa, Жанубий Африка 2011 йилда қўшилган) ташкилоти ҳамда 2001 йилда ташкил этилган ШХТ (Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) каби халқаро гурухларнинг фаолиятларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Шу билан бирга 1999 йилда асос солинган G-20 мамлакатларининг форуми ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур форум давлатларининг маълум гуруҳ доирасида шаклланиши давлат раҳбарлари, Молия вазирлари ва Марказий банк бошқарувчиларининг жаҳон глобализациянинг муҳим тенденцияларини тартибга солишга қаратилган тавсияларни келишишдан иборат. Жумладан, аъзо мамлакатлар жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини, жаҳон савдосининг 80 фоизини, жаҳон аҳолисининг 2/3 қисмини ўз ичига олади.

Бизнингча, минтақавий иқтисодий интеграциянинг шаклланишида қўшни иқтисодиётларнинг ўзаро манфаатли алоқалари билан бирга, халқаро гурухларнинг ҳам таъсири мавжуд эканлигини қайд этиш лозим.

Масалан, Европа Иттифоқи, Шимолий Американинг эркин савдо келишуви – НАФТА, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги – МДҲ кабиларни келтириш мумкин.

2013 йил ҳолатига кўра, минтақавий интеграцион гуруҳлар ўз ичига дунё аҳолисининг 30 фоизини, жаҳон ялпи маҳсулотининг 60 фоизини, жаҳон савдосининг 60 фоизини олади¹⁰.

Минтақавий интеграция кўламини, биринчи навбатда, давлатлараро минтақавий иқтисодий ташкилотлар миқдорининг ўсишида кўриш мумкин. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, 2013 йилда турли минтақавий савдо – иқтисодий иттифоқларни шакллантириш тўғрисида 379 та амалдаги келишувлар қайд этилган, ҳолбуки, 1990 йил бошида уларнинг сони 27 та бўлган, 2000 йил натижаларига кўра дунёда ҳеч бўлмаганда битта гурухнинг аъзоси бўлмаган давлат қолмаган¹¹.

Қайд этиш лозим, минтақавий иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши билан мамлакатлар иқтисодиёти ҳам эркинлашиб, қамраб олиниш даражаси ортиб борар экан.

Фикримизча, минтақавий иқтисодий интеграция аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсиш қўрсаткичларини таъминлашга шароит яратар экан. Шу билан бирга, мазкур ҳолатнинг ривожланган миқёсини кейинчалик қўшни мамлакатлар доирасида

⁹ Грибова С.Н. Глобализация и регионализация - детерминанты мирового экономического развития. Экономический журнал. том 9 / 2005.

¹⁰ Чунина Д.А. Выравнивание уровней экономического развития стран в региональных интеграционных объединениях: автореферат ...к.э.н. – Екатеринбург, 2015. – 22 с.

¹¹ World Trade Organization (WTO). Notifications of RTAs in Force to GATT/WTO. - http://www.wto.org/english/tratop_e/region_e/summary_e.xls.

интеграцион блокнинг ягона валютага эга бўлиб боришида кўриш мумкин бўлади.

Бизнингча, минтақавий интеграциядан кўзланган муҳим мақсадлардан бири бу – аниқ вазифаларни ишлаб чиқиш ва уни ҳал этишга қаратилади. Улар қаторига биз қўйидагиларни киритишимиз мумкин.

- жаҳонда гурухлашиш позициясини мустаҳкамлаш;
- минтақа доирасида сиёсий бақарорлик;
- барқарор ўсиш ва иқтисодиётнинг ривожланиши.

Ихтисослашув ва гурухлашишнинг устувор йўналишларининг вазифалари замон ва макон билан боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши мумкин. Айниқса XXI аср бошларига қадар Европа интеграциясининг асосий умумий манфаат ва уни ҳимоялаш, кенгайишдан иборат бўлган бўлса, айни юқорида қайд этиб ўтилганидек, иттифоқнинг мавжуд аъзоларини сақлаб туриш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишдан иборат бўлмоқда.

Албатта, интеграциянинг муҳим унсурларидан бири ўз аъзоларини ташқи таъсирлардан ҳимоялашни ўзида акс эттиради. Масалан, божхона иттифоқи минтақа доирасида эркин савдо мухитини яратади ҳамда уни божхона тарифлари орқали учинчи давлатдан ҳимоя қиласди. Бу эса ўз ўрнида, минтақавий ишлаб чиқарувчиларга устуворлик беради, уларнинг ташқи бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш орқали жаҳоннинг бошқа рақобатчиларидан ҳам ҳимоя қиласди.

Минтақавий интеграция ички сиёсий барқарорликни аъзо мамлакатларнинг қардош қадриятларни рўёбга чиқаришлари уларнинг фуқароларининг ҳам ўзаро ижтимоий-сиёсий ҳамкорликларига мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, ушбу жараённинг ривожланиши мудофаа соҳасида ҳам мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиради. Натижада, мамлакатлараро ички манфаатлар тўқнашувларининг вужудга келишини олдини олувчи шароитларга замин ҳозирлайди.

Минтақавий интеграциянинг иқтисодий афзалликлари бир қатор жиҳатлари мавжуд. Расмий тузилган интеграцион блок Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг қоидаларини тез ўзлаштиради ҳамда учинчи давлатга маълум чекловларни киритиш имконига эга бўлади. Масалан, Европа интеграциянинг дастлабки ўн йилликларида учинчи давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан сезирларли чекловлар ўрнатилди. Натижада, минтақа доирасида мамлакатларнинг мазкур соҳадаги ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратилди.

Қайд этиш лозимки, минтақавий интеграцион бирлашмаларнинг фаолият олиб боришлирида ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардир:

Интеграция унинг барча иштирокчилари учун умумий лойиҳа ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур лойиҳа аъзо мамлакатнинг ҳар бирини барқарорлик ва унинг жаҳон миқёсидаги даражасини оширишга хизмат қиласди. Интеграцион жараён ўзида глобаллашувнинг турли жиҳатларини

акс эттирсада, у интеграцион блокнинг нисбатан паст барқарорликка эга бўлган аъзоларига имтиёзли шароитларга имкон беради.

Интеграцион гуруҳ босқичма-босқичликни талаб этади. Масалан, ягона валюта иттифоқига боргунга қадар, эркин савдо ва умумий бозор каби босқичларни босиб ўтиши лозим бўлади.

Интеграция етарлилик механизмига эга бўлиб, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда ўз ифодасини топади. Масалан, ЕИнинг муваффақиятларидан бири, мамлакатларнинг позицияларига бўлган ҳайриҳоҳлик ҳамда келишувлар орқали фаолиятларни амалга ошириш.

Интеграцион блокнинг бир қатор афзалликлари билан бирга, унинг алоҳида мураккабликларни келтириб чиқарувчи жиҳатлари мавжуд.


Биринчидан, миллий ҳамда умумий минтақавий интеграция ўртасида манфаатларнинг тўқнашувлари юзага келади. Масалан, ранги металларга нисбатан ягона божхон иттифоқини шакллантиришга қаратилган жараёнларни шакллантириш кўзда тутилса, бошқа бир аъзо мамлакат ўз бозорини ҳимоялаш учун мазкур жараёнга бошдан ҳаёриҳоҳлик билдирилмаслии мумкин.

Иккинчидан, миллий суверенитет ҳамда интеграцион блок ваколатларининг ўзаро муносабатлари ўртасида тўқнашувни келтириш мумкин.

Учинчидан, интеграция кенгайиши ҳамда гуруҳлашишнинг бир бутунлигининг ўзаро қарама-қаршилиги мавжуд бўлиши. Масалан, интеграцион блокнинг кенгайишидан юқори барқарор давлатлар манфаатдор бўлса, бошқа бир ўртacha барқарор давлатлар бунга қизиқиш билдирилмаслиги мумкин.

Тўртинчидан, хуқуқий имкониялар ҳамда хуқуқий гуруҳлашиш ўртасидаги тўқнашувнинг юзага келиши. Масалан, блокнинг координацион кенгаши турли мамлакатлар халқларининг манфаатларини ягона бир қарорда акс эттиришининг мураккаблиги.

Масалан, И.Н.Полушкина МДҲда интеграция юз беришидаги қарама-қаршиликни қуидаигича ифодалайди.



2-расм. МДҲда интеграцион жараённинг шаклланиши ва ривожланишида юзага келувчи қарама-қаршиликлар тизими¹²

Бундан ташқари, Буюк Британияда 2016 йил 23 июнда ўтказилган референдумни келтириш мумкин. Унда британияликларнинг асосий фоялари ЕИнинг эмас, балки ўзларининг мустақил халқаро иқтисодий муносабатларини шакллантиришни кўзда тутади. Ваҳоланки, ЕИ доирасида интеграция келишувларига мувофиқ иттифоқнинг умумий манфаатлари доирасида аъзо мамлакатлар жаҳон иқтисодиётининг маълум бир жараёнидан манфаатдор бўлиши лозим.

Юқорида келтириб ўтилган омиллар минтақавий интеграцион жараённинг заруриятини ўзида акс эттирасада, 2016 йилга келиб, ЕИда ўтказилган мазкур референдум минтақавий интеграциянинг бошқа бир жиҳатини кўрсатиб берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, минтақавий интеграциянинг ривожланиши глобаллашувнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади. У албатта, олдиндан қўзланган мақсадларни ўзида ифода этиш билан бирга, аъзо мамлакатлар учун бир қатор қулайликларни яратиб беради. Шу билан бир қаторда, аъзо мамлакатларнинг халқаро майдондаги ўрни янада мустаҳкамлашга кенг имкониятларни вужудга келишига ёрдам беради.

¹² Полушкина И.Н. Развитие и совершенствование процессов экономической интеграции на пространстве СНГ в условиях рыночных преобразований: автореферат ... дисс. к.э.н.: НижГУ им. Лобачевского. – Нижний Новгород, 2006. – С. 30.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нуритдинов С.З., Шермухамедова Ш.А. Глобализация – главный фактор развития современной мировой экономики//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №3, май-июнь, 2015.
2. Арыстанбекова А. Глобализация. Объективная логика и новые вызовы // Междунар. жизнь. - 2004. - N 4-5. - C.54-65.
3. Антипов Н.П. Экономическая интеграция в мировой экономике и транснациональные корпорации / Антипов Н.П., Королев А.Е. // Междунар. публичное и частное право. - 2001. - N 2. - C.32-34.
4. Медведев В.А. Глобализация экономики: тенденции и противоречия. // Мировая экономика и международные отношения. – 2014 - №2. – с. 3-10.
5. Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века. Почему не интегрируются страны СНГ. — Москва, НП «III тысячелетие», 2001. — 479 с.
6. Воронина Т.В. Международная экономическая интеграция:императивы, противоречия, тенденция развития: автореферат дисс. ... д.э.н. – Ростов-на-Дону-2013. – С. 59.
7. Якобайт К. Теория интегральной интеграции//Региональная интеграция в Центральной Азии: сборник статей. – Берлин: Германский Фонд международного развития, 1995. – С. 1-22.
8. Мухамеджанова Д.Ш. Мировые интеграционные объединения и Казахстан: сотрудничество в условиях регионализации: монография. – Алматы: КИСИ при Президента РК, 2013. – 348 с.
9. Грибова С.Н. Глобализация и регионализация - детерминанты мирового экономического развития. Экономический журнал. том 9 / 2005.
10. Чунина Д.А. Выравнивание уровней экономического развития стран в региональных интеграционных объединениях: автореферат ...к.э.н. – Екатеринбург, 2015. – 22 с.
11. World Trade Organization (WTO). Notifications of RTAs in Force to GATT/WTO. -http://www.wto.org/english/tratop_e/region_e/summary_e.xls.
12. Полушкина И.Н. Развитие и совершенствование процессов экономической интеграции на пространстве СНГ в условиях рыночных преобразований: автореферат ... дисс. к.э.н.: НижГУ им. Лобачевского. – Нижний Новгород, 2006. – С. 30.